

Турар жой харид қилиш учун ипотека кредити бериш бўйича

### Кредит шартномаси

№20 \_\_\_ / \_\_\_

\_\_\_\_\_ ш.

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

Бир томондан «Ориент Финанс» ХАТБ номидан ҳаракат қилувчи, бундан буён «Банк» деб юритилади, 20\_\_ й №\_\_ сонли ишончномага асосан фаолият юритувчи \_\_\_\_\_ Бошқарувчи/Бошлиқ ва иккинчи томондан \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган Ўзбекистон Республикасининг паспорти серия \_\_ № \_\_\_\_\_ асосида, \_\_\_\_\_ манзилда истиқомат қиладиган, бундан буён «Қарз олувчи» деб юритилган \_\_\_\_\_ корхона номи тақдим этадиган ИСМ ШАРИФИ \_\_\_\_\_ ва қарз олувчи сифатида солидар жавобгарликни зиммасига олган, \_\_\_\_\_ манзилда истиқомат қиладиган, \_\_\_\_\_ томонидан \_\_\_\_\_ йилда берилган Ўзбекистон Республикасининг паспорти серия \_\_ № \_\_\_\_\_ асосида, бундан буён «Шерик қарздор» деб юритилган \_\_\_\_\_ корхона номи тақдим этадиган ИСМ ШАРИФИ \_\_\_\_\_ ушбу шартномани (бундан буён «Шартнома» деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Банк қуйидаги шартларга ва миқдорга асосан Қарз олувчига пул воситаларини (кредит) беришга мажбур:

Кредит суммаси- \_\_\_\_\_ ( \_\_\_\_\_ ) сўм.  
(сўз ва рақамлар билан)

Кредитдан фойдаланиш муддати: \_\_\_\_\_.

Кредитнинг йиллик ставкаси: \_\_\_\_\_;

Фоизларни тўлаш муддати: \_\_\_\_\_;

Кредитнинг мақсади ва объекти: манзилда жойлашган турар жойни харид қилиш учун: \_\_\_\_\_ умумий

майdonи \_\_\_\_\_ кв.м., хоналар сони \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ қаватда, \_\_\_\_\_;

1.2. Қарз олувчи / Шерик қарздор олинган пул суммасини қайтаришга ва унинг фоизларини тўлашга мажбур.

### 2. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

2.1. Ушбу бўлимда мазкур шартноманинг матнида кейинчалик кузатиладиган барча атамаларнинг таърифи мавжуд агар контекстда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса:

Қарз олувчи – кредит олиш мақсадида турар жой харид қилиш учун зарурий ҳужжатларни тақдим қилувчи ва ариза берувчи, ҳамда тўлов қобилияти ққалификациясидан ўтган жисмоний шахсдир.

Шерик қарздор – ушбу шартномага кўра кредит ва унинг фоизлари бўйича ойлик тўловларга иштирок этувчи, ҳамда кредит бўйича солидар жавобгарликни зиммасига олувчи ва тўлов қобилияти ққалификациясидан ўтган жисмоний шахсдир.

Сотувчи – кредит воситалари ҳисобидан турар жойни реализация қилувчи жисмоний шахс.

Дастлабки тўлов – Қарз олувчи / Шерик қарздор томонидан Банкдаги ҳисоб рақамига киритилган ва харид қилинаётган турар жойнинг қисман тўлови ҳисобланган пул воситалари.

### 3. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

3.1. Кредит бериш Қарздорнинг алоҳида ссуда ҳисоб рақамидан барча кредит суммасини турар жой/квартира сотувчисининг Исм шарифи / Ташкилот номи \_\_\_\_\_ (банкнинг номи)да очилган №202 \_\_\_\_\_ депозит ҳисоб рақамига пул кўчириш йўли орқали нақдсиз кўринишда амалга оширилади.

3.1. Кредит бериш қуйидагиларни амалга оширгандан кейин амалга оширилади:

- Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган кредитга берилган объектнинг тўлов ҳисобига ушбу суммани кўчириш мақсадида Қарздор томонидан Банкда депозит ҳисоб рақам очиш ва \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қиладиган кредитга берилган объектнинг қийматидан 25 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пул воситаларини (дастлабки тўлов суммасини) ҳисоб рақамга кўчириш;

- Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган (кредит объекти)нинг сотиб олиш – сотиш шартномасини кадастр идоралари томонидан рўйхатдан ўтганини ва нотариал тасиқланганини ҳақиқийсини, ҳамда турар жойга эгаллик қилиш ҳуқуқини кўрсатадиган бошқа кадастр ҳуқуқатларини тақдим қилиш;

- Шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган кредит воситалари ҳисобига сотиб олинган кредит объектнинг гаров (ипотека) шартномасини кадастр идоралари томонидан рўйхатдан ўтганини ва нотариал тасиқланганини ҳақиқийсини тақдим қилиш;

- Суғурта тўловларини тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни ҳамда гаров предметини суғурта полисини тақдим қилиш.

3.2. Кредитни тақдим қилишнинг ҳақиқий санаси Қарздорнинг буйруғига кўра Банк томонидан алоҳида турар жой / квартиранинг депозит ҳисоб рақамига пул воситаларини кўчириш санасидир.

#### **4. КРЕДИТНИ СЎНДИРИШ, ФОИЗ ВА БОШҚА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ**

- 4.1. Кредит бўйича асосий қарз суммасини сўндириш мазкур Шартноманинг ажралмас қисми бўлган №1 иловасида келтирилган график бўйича амалга оширилади..
- 4.2. Ипотека кредити бўйича асосий қарз, фоизлар ва бошқа тўловларни Қарз олувчи / Шерик қарздор томонидан сўндирилиши қуйидагича амалга оширилади: (а) тўлов миқдори ҳисобига тенг бўлган иш ҳақи ҳисобидан нақдсиз шаклда пул кўчириш орқали, (б) нақд пул киритиш орқали ва (в) Қарздорнинг Банкдаги омонат ҳисоб рақамларидан нақдсиз шаклдаги пул воситаларини кўчириш.
- 4.3. Агар кредит сўндирилиш санаси банк иш кунига тўғри келмаса унинг сўндирилиши кейинги банк иш кунига қолдирилади. Агар кредит воситалари тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган бўлса, мазкур Шартноманинг №1 иловасида келтирилган сўндириш графигига биноан биринчи ва кейинги тўловлар кредитнинг танланмаган суммаси фарқига кейинги тўловларга кўчирилади.
- 4.4. Асосий қарзнинг қолдиғи фоизлари ҳар иш куни охирида 365 кунни ва ҳар ойнинг аниқ кунларини инобатга олган ҳолда ҳисобланади. Кредит учун фоизлар кредитнинг дастлабки маблағи берилиши биланоқ ҳисобланади.
- 4.5. Ҳар ойнинг (\_\_\_\_\_) санасида Қарздор / Шерик қарздор Банкга Асосий Келишув шартлари ва кредит шартномалари асосида кредит фоизларини тулаб боради.
- 4.6. Асосий қарзнинг сўндирилиши, кредит ва бошқа тўловларнинг фоизи, комиссияси Банк томонидан Қарздор / Шерик қарздорнинг тўлов топширикномалари, Банкнинг тўлов талабномалари орқали ва/ёки Банк мустақил равишда Қарздор / Шерик қарздорнинг барча ҳисоб рақамларидан кўчириши орқали амалга оширилади.
- 4.7. Қарздорнинг ихтиёрига асосан Кредит шартномасининг қуйидаги шартларидан бири қайта кўриб чиқилган тақдирда Қарздор Банкга бир марталик комиссия тўловини амалга оширади ёки Банк мустақил тарзда ушбу комиссияни ечиб олади: фоиз ставкасининг ўзгариши; асосий қарзнинг ва фоизларнинг сўндирилиш графиги; гаровга қўйилган мол-мулкнинг ўзгартирилиши; қарзнинг кўчирилиши холларида.
- 4.8. Ушбу Келишувнинг кўрсатилган шартларини кўриб чиқилиши, шунингдек тегишли ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши бир марталик комиссия тўланганидан сўнг амалга оширилади.
- 4.9. Қарздор / Шерик қарздор кредитни сўндириш, фоизларни ва комиссияни тўлаш борасидаги вазифаларини бажармаган ёки тегишли тарзда амал қилмаган тақдирда Банк Қарздор / Шерик қарздорнинг розилигисиз ва ихтиёрсиз (акцептсиз тартибда) талаб этилган пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 783 моддасига асосан ечиб олиш ҳуқуқига эга. Шу тарзда Қарздор / Шерик қарздор Банкга мазкур Шартнома асосида ўзининг ихтиёри ва розилигисиз акцептсиз тартибда барча ҳисоб рақамларидан тегишли маблағларни ечиб олиш ҳуқуқини беради.
- 4.10. Ушбу Шартноманинг барча тўловлари қуйидаги сўндириш кетма кетлиги учун йўналтирилади: (а) Қарздор / Шерик қарздорнинг айби билан ҳосил бўлган Банк чиқимларини сўндирилиши (б) муддатидан ўтган банк комиссияси тўловлари; (в) асосий қарз фоизларининг муддатидан ўтган тўловлари; (г) асосий қарзнинг муддатидан ўтган тўловлари; (д) банк комиссиясининг муҳлатли тўловлари; (ж) асосий қарз фоизларининг муҳлатли тўловлари; (з) асосий қарзнинг муҳлатли тўловлари.

#### **5. КРЕДИТ ҚАЙТАРИЛИШИНING ТАЪМИНОТИ**

- 5.1. Ушбу Шартнома бўйича Қарздор / Шерик қарздор мажбуриятларини амалга оширишни таъминлашда қуйидагилар тақдим қилинади:
- 5.1.1. Ҳарид қилинган \_\_\_\_\_ манзилда жойлашган алоҳида турар жой/квартиранинг гарови гаров қиймати бўйича \_\_\_\_\_ (сумма сўз билан) сўмни, яъни кредит суммасининг (бундан буён гаров предмети) 125% ташкил қилади. Гаровнинг янада аниқроқ шартлари Банкни қаноатлантирадиган шартларда мажбурий суғурта иқлган ҳолда нотариал тартибда расмийлаштирилган гаров (ипотека) шартномасида тегишли тартибда келтирилади.
- 5.2. Кредит асосида қабул қилинаётган мол-мулк (ипотека) гаровга қўйиладиган тақдирда, Қарздор уни сотиб олганидан кейин \_\_\_\_\_ кун давомида ушбу гаровни расмийлаштирилиши ва тақдим этилишини таъминлаши лозим. Қарздор гаров шартномасини белгиланган вақтда тақдим этмаган тақдирда гаров расмийлаштирилишининг ҳар бир кечиктирилган куни учун Гаров шартномасини тўлаш фурсатига қадар кредит миқдорининг 50% дан ошмаган ҳолда, 0,01% миқдорида жарима тўлайди.
- 5.3. Қарздорнинг мажбуриятларини бажаришнинг бир нечта таъминотининг мавжудлиги бир бирига қарама қаршилик туғдирмайди, мажбуриятларни бажарилишининг ҳар бир усули мустақил равишда амалга ошади ва бир бирига боғлиқ эмас. Мажбуриятларнинг бажарилишининг таъминот усулларининг ундирилиши талаб этилган ҳолларда танлов ҳуқуқи Банкнинг қўлида бўлади, ва у ўз ихтиёри билан мажбуриятларнинг бажарилишининг таъминот усулларининг бирини ёки барчасининг танловини амалга ошириши мумкин.

Қарздор кредит тўланишининг таъминоти бўйича барча ҳужжатларнинг расмийлаштирилишида талаб этиладиган барча чиқимларни ўз бўйнига олади.

**5.4.** Банк талабига кўра Қарздор / Шерик қарздор қуйидаги ҳолларда Банкни қаноатлантирадиган қўшимча таъминотни тақдим этишга мажбур: (а) Қарздор / Шерик қарздорнинг молиявий ахволнинг ёмонлашганда, (б) қадр, қиймати ва ликвидлиги йоқолганда; бозор нархининг сезиларли пасайганда; Шартнома асосида тақдим этилаётган кредит таъминоти қисман ёки тўлиқ йўқотилганда, нархи тушганда; Қарздор / Шерик қарздор Шартнома мажбуриятларини бажармаслиги хавфини орттирувчи бошқа омилларнинг юзага келиши.

Қарздор / Шерик қарздор кредит таъминотини кредит маблағининг 125 (бир юз йигирма беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда сақлашга мажбурдир.

**5.5.** Агар Қарздор / Шерик қарздор мазкур шартномада белгиланган санага қадар асосий маблағнинг, фоизи ва/ёки комиссияси тўловини амалга оширишига тўсиқ бўладиган бирон вазият юзага келса Банк амалдаги қонунчиликка, ушбу мазкур шартнома ва таъминот шартномасига асосан шартсиз ва шубҳасиз гаров таъминотини тўлиқ ёки қисман ундириб олиш ҳуқуқини қўлга киритади.

## **6. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

### **Банк қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

6.1. Қуйидаги ҳолларда Қарздорга кредит беришни тўлиқ ёки қисман рад этиш:

- 2 (икки) ой муддат ичида кредит бериш учун Шартномада кўрсатилган ҳужжатларни тақдим қилмаганда;
- қарздорнинг тўлов қобилиятини амалга ошира олмаслигини тан олганда;
- Шартнома имзолангандан кейин кредитни қайтаришга таъсир қиладиган ишончсиз ахборотлар аниқланганда

6.2. Ушбу шартнома бўйича мемориал буйруқ билан ақцептсиз тартибда тўлов суммаларини Қарздорнинг / Шерик қарздорнинг Банкдаги барча ҳисоблардан, пластик карталаридан ва бошқа банкдаги ҳисоб рақамларидан, ҳамда Банкнинг жорий таърифлари бўйича конвертация комиссиясидан ушлаб Марказий банкнинг валютани сотиш курси бўйича кейинги конвертацияси билан Қарздорнинг / Шерик қарздорнинг исталган валюта ҳисоб рақамларидан ҳисобдан қичаришни амалга ошириш;

6.3. Кредитдан мақсадли фойдаланиш, ипотека кредитини сўндириш ва унинг фоизларини тўлаш, Қарздор / Шерик қарздорнинг молиявий ҳолати, харид қилинган турар жой ва бошқа мулкнинг ҳолати ва ипотеканинг ноқонуний бегоналашини ҳолати юзасидан доимий мониторинг олиб бориш.

6.4. Ушбу Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари юзага келганда, вазиятлардан ва бундай вазиятларнинг жиддийлигидан келиб чиққан ҳолда, Банк ўз хоҳишига кўра қуйидаги чоралардан бирини қўллайди:

- а) Қарздор / Шерик қарздорга белгиланган муддатда мажбуриятларни бажармаслик ҳолати юзага келганлиги тўғрисида ва бундай вазиятларни олидини олиш ва бартараф этиш учун ёзма талабнома (шикоят) юбориш;
- б) Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришни қўшимча таъминотини талаб қилиш;
- в) Қарздор / Шерик қарздордан ушбу Шартномада кўрсатилган тартибда жами кредитни ёки унинг қисмини қайтаришни талаб қилиш;
- г) Вазирлар Маҳкамасининг 04.12.2002 №422 сонли Қарорига мувофиқ Қарздор / Шерик қарздорнинг қонунчилик, ушбу Шартнома ва таъминот шартномаларида назарда тутилган тартибда кредит мажбуриятларини бажаришни ва / ёки унинг бошқа ликвид мулки таъминотига ундириш бўйича эътибор қаратиш;
- д) Жорий қонунчилик тартибида Қарздор / Шерик қарздорнинг иш ҳақидан ундиришга эътибор қаратиш;
- е) Жорий қонунчиликда кўзда тутилган тартибда Қарздор / Шерик қарздорни қарзни тўлашга қодир эмаслигини қоғозда босиб чиқариш билан эълон қилиш.
- ж) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида кўзда тутилган Қарздор / Шерик қарздорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳамда кредит қарздорлигини қайтариш учун барча зарурий ва етарли чораларни кўриш. Бу борада Банк томонидан келтирилган барча харажатлар Қарздорнинг ҳисобига тегишли бўлади.
- з) Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилиги ва ушбу Шартномага асосан бошқа исталган ҳуқуқлардан фойдаланиш.

## **7. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **Банк қуйидаги мажбуриятларга эга:**

7.1. Ушбу Шартномага мувофиқ Қарздор / Шерик қарздор томонидан кредит воситаларини олишнинг дастлабки шартларини бажаришда ушбу Шартномада назарда тутилган шартларда, муддатда ва миқдорда кредит тақдим этиш;

7.2. Олинган кредит ҳисоб-китобини юритиш учун Қарздор номига алоҳида ҳисоб рақам очиш;

7.3. Қарздорга ёзма талабнома бўйича тредитга таалуқли маълумотларни тақдим қилиш;

7.4. Банк томонидан кредитни муддатидан олдин ундирилишининг исбот ва сабаблари ҳақида

Қарздор / Шерик қарздорга маълум қилиш;

- 7.5. Кредит ва ҳисоб китоб масалалари бўйича Банкнинг норматив- ҳуқуқий ҳужжатларида ва ички норматив ҳужжатларида ўзгартиришлар тўғрисида Қарздор / Шерик Қарздорни хабардор қилиш;
- 7.6. Қарздорликни муддатдан олдин ундиришга қадар 5 (беш) банк иш кунидан кеч бўлмаган муддатда Қарздор / Шерик қарздорни кредит ва фоизларни муддатдан олдин сўндириш тўғрисида хабар бериш лозим;

## **8. ҚАРЗДОР / ШЕРИК ҚАРЗДОРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ**

**Қарздор / Шерик қарздор қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- 8.1. Ушбу Шартнома бўйича олинган кредит суммасини муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш;
- 8.2. Ипотека кредитининг амалдаги шартлари билан танишиш;
- 8.3. Ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларни, жумладан ипотека кредитини тақдим қилиш билан боғлиқ барча харажатлар тўғрисида маълумотлар олиш;
- 8.4. Банкдан ушбу шартноманинг шартларини бажаришни талаб қилади;
- 8.5. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки нотўғри бажариш натижасида юзага келадиган зарарларни қоплашни Банкдан талаб қилиш;
- 8.6. Кредитнинг асосий қарз ва тўланган фоизлар, комиссияларнинг қолдиқлари тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумотларни, кредит ҳисоб рақами бўйича выпискаларни талаб этиш.
- 8.7. Банкдан қўшимча кредитлар олиш ва бошқа кредит битимларини амалга ошириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш.

## **9. ҚАРЗДОР / ШЕРИК ҚАРЗДОРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**Қарздор / шерик қарздор қуйидаги мажбуриятларга эга:**

- 9.1. Кредитни мақсадли ишлатишни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш билан бирга ушбу Шартномада кўзда тутилган мақсадларда кредитдан фойдаланиш;
- 9.2. Сўндириш графигига мувофиқ (ушбу Шартноманинг №1 Иловаси) кредитни қайтаришни таъминлаш;
- 9.3. Сўндириш графигида (ушбу Шартноманинг №1 Иловаси) кўрсатилган олдиндан кеч бўлмаган муддатларда, ушбу шартноманинг Шартларига кўра кредит суммасини, кредитдан фойдаланганлик учун фоиз тўловларини ва тўланиши керак бўлган бошқа тўловларни сўндириш учун зарурий пул суммаси талаб қилинганга қадар ўз депозит ҳисобида мавжудлигини таъминлаш.
- 9.4. Ушбу Шартнома бўйича кредитни ўз вақтида ва тўлиқ сўндириш ва фоизларни тўлашга, ҳамда Қарздорнинг бошқа мажбуриятларини тўғри бажаришга салбий маъсир кўрсатадиган барча шарт шaroитлар бўйича Банкга ўз вақтида хабар бериш..
- 9.5. Ушбу Шартноманинг шартларини бажаришни қийинлаштирадиган ишларни бажармаслик.
- 9.6. Ушбу Шартнома бўйича кредитдан фойдаланиш пайтида Банкнинг биринчи талабномасига кўра, Қарздор / Шерик қарздорнинг тўлов лаёқатлигини аниқлаш ва мажбуриятларни тўғри бажариш учун керакли ҳужжатлар ва ишончли маълумотларни (ишлаётганлиги, иш ҳақи ва бошқалар тўғрисида маълумотнома) Банкга тақдим қилиш.
- 9.7. Кўрсатилган ўзгаришларнинг тахминий санасига қадар 5 (беш) иш кунидан кеч бўлмаган муддатда ўзининг яшаш жойи ва / ёки иш жойини ўзгартирганлиги тўғрисида Банкга ёзма равишда хабар бериш.
- 9.8. Банкнинг дастлабки талабномасига кўра Қарздор / Шерик қарздорнинг Банк олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва тўғри бажармаслиги оқибатида Банк томонидан юзага келадиган барча харажатларни қоплаш.
- 9.9. Ойлик даромадларнинг камайиш ҳоллари кузатилганда бундай вазиятларнинг содир бўлиш вақтидан уч кун ичида, кутиладиган ойлик даромадлар бўйича маълумотларни тақдим қилиб бу ҳақида Банкга хабар бериш керак.
- 9.10. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати давомида Банкнинг ёзма розилигисиз учинчи шахслар олдида мавжуд мажбуриятларни олмаслик, яъни ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз вақтида бажаришга таъсир кўрсатадиган бошқа кредиторлардан кредитлар ва қарздар олмаслик, бошқа шахсларга қарзлар бермаслик, кредиторлар олдида учинчи шахсларнинг кафили бўлиш.

## **10. ТУГАТИШ ВА ТАСДИҚЛАШ**

- 10.1. Томонлар Шартноманинг барча шартлари (томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредитнинг қайтарилиш тартиби, фоиз ва комиссияларнинг миқдори ва тўлаш тартиб ва бошқалар) икки томоннинг розилиги асосида келишилганини ва уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини чекламаганлигини тасдиқлайдилар. Қарздор / Шерик қарздор ўз хохиши билан имзоланган ва ўрганиб чиқилган Шартноманинг фоиз, комиссия ва бошқа тўловларини ўрганиб чиқиб ўз розилигини билдирган, Шартноманинг ҳуқуқий натижалари тўғрисида билиб тушуниб олган.

Томонлар шартноманинг матни билан танишиб чиққанликларини, шартноманинг шартлари ва Шартнома ёзилган тил тушунарли эканлигини тасдиқлайдилар ва ушбу Шартноманинг томонлар томонидан

имзоланганлиги шикоятлар мавжуд эмаслигини тасдиқлайдилар.

**10.2.** Қарздор / Шерик қарздор қуйидагиларни тасдиқлаб маълум қилади:

- Ушбу шартномани расмийлаштириш учун Банкга тақдим қилинган / тақдим қилинадиган ҳужжатлар ва маълумотлар тақдим қилинган санада улар ҳақиқий ва ишончли ҳисобланади;
- амалий ва шартли мажбуриятларга эга эмас, жумладан учинчи шахс фойдасига берилган кафиллик;
- Қарздор / Шерик қарздор Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажариш ҳуқуқига эга ва бу мажбуриятлар ҳақиқий ҳисобланади;

**10.3.** Шу билан Қарздор / Шерик қарздор қуйидаги ишларни амалга оширишга Банкга шартсиз ва жавобсиз ҳуқуқ ва розилик беради:

- Банк томонидан шартнома шартларига нисбатан кредит тарихини ва / ёки Банклараро кредит бюроси маълумотларини тақдим қилиш тақдим қилиш;
- Ушбу Шартнома бўйича Қарздор / Шерик Қарздорнинг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича Қарздор / Шерик Қарздорнинг телефон рақамларига телефон қўнғироқларини амалга ошириш, Банкга маълум бўлган Қарздор / Шерик Қарздорнинг манзилларига (реквизитларига), ҳамда Қарздор / Шерик Қарздорнинг турмуш ўртоғига, иш берувчисига хатлар, электрон ва SMS хабарлар юбориш;
- Ушбу Шартнома бўйича Қарздор / Шерик Қарздорнинг мажбуриятларини бажариш масалалари бўйича Қарздор / Шерик Қарздор, унинг турмуш ўртоғи, ҳамда унинг қариндошлари, Қарздор / Шерик Қарздорнинг иш берувчиси билан музокаралар (учрашувлар) олиб бориш;
- Қарздор / Шерик Қарздорнинг даромади тўғрисида иш берувчидан маълумотларни талаб қилиш, кредит қарздорлигини сўндириш учун қарздорга тегишли бўлган пул воситаларини (ойлик иш ҳақи ёрдам пули ва ҳоказолар) йўналтиришни талаб қилиш билан иш берувчига мурожаат қилиш.

Бунда, юқоридаги ишларнинг Банк томонидан амалга оширилиши банк сирини фош қилиш ҳисобланмайди.

## **11. МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРМАСЛИК ҲОЛАТЛАРИ**

**11.1.** Ушбу бандда келтирилган ҳодисалардан исталган бири мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари саналади:

- а) использование кредитных ресурсов не по целевому назначению;
- б) Қарздор / Шерик қарздор ушбу Шартномада ўрнатилган санада, сўндириш Графигида (ушбу Шартноманинг № иловаси), ҳамда ушбу Шартномада назарда тутилган бошқа шартларда кредит, фоиз ва / ёки тўловларни амалга ошира олмаса;
- в) Ишончсиз ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим қилиш орқали Банкни атайин адаштириш;
- г) Қарздор / Шерик қарздор томонидан Банкга берилган кредит бўйича исталган таъминот ўзининг қийматини тўлиқ ёки қисман йўқотса ёки ҳақиқий бўлмайд қолса;
- д) Қарздорнинг Шерик қарздорнинг молиявий аҳволининг ёмонлашуви ёки Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармасликка олиб келувчи аниқ маълумотларни яшириш;
- ж) Қарздор / Шерик қарздорни Банк олдидаги мажбуриятларини бажаришга таъсир кўрсатадиган бошқа ҳодисалар;
- з) Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлашга салбий таъсир кўрсатадиган ушбу Шартноманинг бошқа шартларини бузиш;
- и) Кредитни қайтариш ва фоизларни тўлашга салбий таъсир кўрсатадиган ушбу Шартнома билан боғлиқ (гаров, кафиллик, суғурта ва бошқалар) бошқа шартноманинг шартларининг бузилиши.

## **12. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**12.1.** Ушбу Шартнома бўйича ўзининг мажбуриятларини бажармаслик ёки нотўғри бажариш ҳолларида, бир томон бошқа томонга келтирилган зарарларни қоплайди ва қонунчилик актлари ва ушбу Шартномада келтирилган тартибда бошқа масълиятни ўз зиммасига олади.

**12.2.** Кредитнинг асосий қарзини қайтариш муддати бузилган ҳолларда, Қарздор / Шерик қарздор Банкга кредитдан фойдаланишнинг кечиктирилган жами муддати учун ўрнатилган фоизлардан \_\_\_\_\_ марта ортиқ фоиз тўлайди.

**12.3.** Белгиланган муддатда фоизлар тўланмаган тақдирда Қарздор / Шерик қарздор Банкга тўлов кечиктирилишининг ҳар бир куни учун муддатидан ўтган кредит миқдоридан \_\_\_\_\_% га ошмаган тарзда белгиланган \_\_\_\_\_% жаримани тўлайди.

**12.4.** Белгиланган муддатда кредит берилмаган тақдирда, Банк Қарздорга кредит бериш кечиктирилишининг ҳар бир куни учун берилган сумманинг \_\_\_\_\_% га ошмаган тарзда белгиланган \_\_\_\_\_% жаримани тўлайди.

**12.5.** Кредит маблағларидан мақсадсиз ишлатилаётганлиги аниқлаган тақдирда Қарздор / Шерик Қарздор Банга мақсадсиз ишлатилган кредит суммасининг 50 баробари миқдорида жарима тўлайди.

**12.6.** Жариманинг тўлови ва зарарларни қоплаш қонунчилик ёки ушбу шартномасида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари тегишли тартибда мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

**12.7.** Кредит объектининг сотиб олиш – сотиш битимлари ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, Қарздор / Шерик қарздор Банк олдида Банкга келтирилган харарлари ва харажатлари миқдоридан тўлиқ мажбуриятни ўз зиммасига олади, бундай вазиятда қонунчилик, ушбу Шартнома ва таъминот

шартномасида назарда тутилган тартибда Банк кредит ва фоизларни муддатдан олдин сўндириш, ушбу шартномани бекор қилиш ва Қарздор / Шерик қарздордан талаб қилинадиган суммани ечиб олиш ҳамда ундириш ҳуқуқига эга.

- 12.8.** Шартноманинг ушбу бўлимида кўзда тутилган Банк томонидан жавобгарлик чораларини қўллаш Банкнинг истисно ҳуқуқи ҳисобланади ва Банкнинг мажбуриятига кирмайди. Банк ўзининг хоҳишига кўра Қарздор / Шерик қарздорга нисбатан ушбу Шартнома бўйича ўзида мавжуд бўлган ҳуқуқларнинг исталган биридан фойдаланиши ёки фойдаланмаслиги мумкин. Банк томонидан ушбу ҳуқуқларнинг қўлланилмаслиги ёки қисман қўлланилиши ушбу ҳуқуқларни рад этишни англамайди ва улар исталган вақтда улардан фойдаланиш мумкин.

### **13.КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

- 13.1.** Ушбу ушбу Шартнома билан боғлиқ келишмовчилик ва тушунмовчиликлар музокаралар орқали ҳал этилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг тегишли (шаҳар/туман) судида кўриб чиқилади. Келишмовчиликлар келиб чиқган тақдирда ушбу Шартнома бўйича барча банк ҳужжат ва кўчирмалари иккала томоннинг асосий (prima facie) исботи ҳисобланади.

### **14.АНТИКОРРУПЦИОН ШАРТЛАР**

- 14.1.** Шартнома асосидаги мажбуриятларни амалга оширишда томонлар қонунга зид ҳақ-ҳуқуқни ва бошқа фойдани олиш мақсадида бирон бир шахсга унинг ҳатти-ҳаракати ва қарорига бевосита ва ёки билвосита таъсир қилуш учун бирон бир пул маблағларнинг ёки бошқа қимматликларнинг тўланишини талаб, таклиф қилмайдилар ва бунга рухсат беришмайди.
- 14.2.** Шартнома асосидаги мажбуриятларни амалга оширишда томонлар қонунчиликда пора/пора олиш, хизматчининг тижорат пораси сифатида эътироф этилган ҳатти ҳаракатларни шунингдек қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг жиноий йўл билан ва терроризмни молиялаштириш орқали олинган даромадни легаллаштириш талабларини бузувчи ҳаракатларни амалга оширишмайди.
- 14.3.** Ушбу Шартноманинг барча томонлари бошқа томонни бирон хатти ҳаракатни амалга оширишини мажбур этиши ва унга ундашига олиб келадиган пул маблағлари, совғалар бериш орқали, уларга нисбатан бошқа текин хизмат ва ишларни амалга ошириш йўли орқали ушбу Банк ходимини рағбатлантиришдан воз кечади.
- 14.4.** Томонларнинг бири бирон антикоррупция шартларининг бузилишини тахмин қилса ёки гувоҳи бўлса, у бошқа томонни бу ҳақда ёзма ёки ишонч телефонлари орқали тарзда маълум этиши лозим.

### **15.БОШҚА ШАРТЛАР**

- 15.1.** Ушбу Шартнома томонлар томонидан имзоланган кундан кучга кириб Банк ва Қарздор Шерик қарздорнинг барча ўз бўйнига олган мажбуриятларининг бажарилишига қадар амалга оширилади. Кредит бериш бўйича Банкнинг мажбурияти Қарздор томонидан ҳужжатлар тақдим қилинганидан ва ушбу Шартномада кўрсатилган дастлабки шартлар бажарилгандан кейин кучга киради.
- 15.2.** Қарздор ипотека кредитидан фойдаланмаган ҳолларда, Банк Қарздорни ёзма равишда хабардор қилиш орқали Шартнома тузилган кундан бошлаб 2 (икки) ой ичида Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эга.
- 15.3.** Қарздор / Шерик қарздор ушбу Шартнома бўйича Банкнинг ёзма рухсатсиз ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини учинчи шахсга ўтқизиш ҳуқуқига эга эмас.
- 15.4.** Агар ушбу Шартноманинг бир ёки бир неча шартлари қонун ёки суд қарори доирасида ҳақиқий эмас деб топилса, бу Шартноманинг бошқа шартларини ҳаракатдан тўхтатишга сабаб бўла олмайди.
- 15.5.** Ушбу Шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда расмийлаштирилганда ва томонлар томонидан имзоланганда ҳақиқий ҳисобланади. Шартнома доирасида тузилган барча Кредит шартномалари ва уларнинг иловалари, ўзгартириш ва қўшимчалари унинг асосий қисми деб ҳисобланади.
- 15.6.** Ушбу Шартномада кўрсатилмаган вазиятлар вужудга келганда иккала томон Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликга асосланиб фаолият олиб боришади.
- 15.7.** Ушбу Шартнома томонларнинг хоҳишига кўра 3 (уч) нусхада тузилган бўлиб, бир нусхаси Қарздор / Шерик қарздор учун ва бир нусхаси Банк учун, бир хил юридик кучга эга.

### **16.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**БАНК:**  
**«Ориент Финанс» ХАТБ**  
\_\_\_\_\_ филиали

**ҚАРЗДОР:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

Манзил: \_\_\_\_\_

Манзил: \_\_\_\_\_

х/с \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_  
ОКЭД: \_\_\_\_\_  
Телефон: \_\_\_\_\_; Факс: \_\_\_\_\_;

**Бошқарувчи:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

**Бош ҳисобчи:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

**Бош юрист маслаҳатчи:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

**ШЕРИК ҚАРЗДОР:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

Манзил: \_\_\_\_\_

Паспорт маълумотлари  
\_\_\_\_\_

СТИР: \_\_\_\_\_  
Телефон: \_\_\_\_\_

**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

Ссуда ҳисоб рақами: \_\_\_\_\_

МФО: \_\_\_\_\_  
СТИР: \_\_\_\_\_  
Телефон: \_\_\_\_\_

**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

Турар жой харид қилиш мақсадида ипотека кредитини бериш кредит шартномасига №1 Илова

№20 / \_\_ « \_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

**Ипотека кредити бўйича асосий қарзни сўндириш графиги:**

№	Тўлов санаси	Сўндириш суммаси
1	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____ ) сўм
2	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____ ) сўм
3	20.00.20__	0,00 (____сумма сўз билан ____ ) сўм
<b>Жами</b>		0,00 (____сумма сўз билан ____ ) сўм

**БАНК:**  
**«Ориент Финанс» ХАТБ**  
\_\_\_\_\_ филиали

**ҚАРЗДОР:**  
**ИСМ ШАРИФИ.**\_\_\_\_\_

**Бошқарувчи:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**Бош ҳисобчи:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

**Бош юрист маслаҳатчи:**  
**ИСМ ШАРИФИ.** \_\_\_\_\_

**ШЕРИК ҚАРЗДОР:**  
**ИСМ ШАРИФИ.**\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_